

ЎЗБЕКИСТОНДА ХУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ҚУРИШДА МИЛЛИЙ ҒОЯНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Улуғбек Мамадалиев

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси

Ахборот хизмати раҳбари

(Тел.-94.921-20-20)

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада муаллиф ҳуқуқий давлат қуришида миллий ғоянинг ўрни ва аҳамияти ҳақида бир қанча соҳа олимларининг таклиф ва қарашларини келтириб ўтилган. Ўзбекистондаги умумий қадриятлар йиғиндиси бўлган миллий мафкура ҳақида сўз юритган. Шунингдек, “Миллий ғоя”нинг антропология, этнология, этнография, ижтимоий психология, тилишунослик соҳаларида кўриб чиқиладиган этник мадания, социология, сиёсатишунослик ва бошқа фанлар ёрдамида очиладиган ижтимоий-сиёсий, халқаро ҳуқуқ соҳасида ривожланган географик-сиёсий жиҳатларини ҳам таҳлил қилган. Хулоса қилиб миллий ғоя миллий - маънавий борлиқнинг дастлабки белгиларини, халқнинг ўзига хослигини акс эттирувчи, миллий тафаккурни бирлаштирувчи қадриятлар тизими эканлиги, ушбу қадриятларни бирлаштирган тил, ҳудуд, фуқаролик, урф - одатлар, анъаналар ва мафкуравий бирлик миллий ғоя асосини ташиқил этишини баён этган.

***Калит сўзлар:** ҳуқуқий давлат, жамият, сайлов, фуқаролик жамияти, ғоя, миллий ғоя, мафкура, солиқ, қадрият.*

АННОТАЦИЯ

В данной статье автор приводит предложения и мнения ряда ученых в данной области о роли и значении национальной идеи в построении правового государства. Он рассказал о национальной идеологии, которая представляет собой набор общих ценностей в Узбекистане. Он также проанализировал социально-политические, географические и политические аспекты «Национальной идеи» в области антропологии, этнологии, этнографии, социальной психологии, языкознания, общественно-политического, международного права. Короче говоря, национальная идея – это система ценностей, отражающая первые признаки национально-духовного бытия, самобытность народа, объединяющая национальное мышление, язык, территорию, гражданство, обычаи, традиции и идейное единство, объединяющее эти ценности. .

Ключевые слова: правовое государство, общество, выборы, гражданское общество, идея, национальная идея, идеология, налог, стоимость.

КИРИШ

Ҳукукий давлат қуриш жараёнида жамиятнинг ҳар бир аъзоси иштирок этади. Бу турли шаклларда бўлиши мумкин: сайловларда иштирок этиш, бошқарув жараёнида қатнашиш, солиқларни тўлаш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ва ҳоказо. Жамиятда шаклланган ижтимоий кадриятлар давлатнинг ривожланиши ва мустаҳкамланишига катта таъсир кўрсатади. Ўзбекистонда бу кадриятлар йиғиндиси миллий мафкура деб аталади. Шу боисдан ҳам Б. Турдиев “Миллий ва умуминсоний ғоялар, мақсадлар муштараклиги билан суғорилган фалсафий ғоялар, қарашлар ва таълимотлар инсониятнинг демократик тараққиётига хизмат қилиб, фалсафий мерос сифатида қийматли эканлиги ва кадрланиб келинишини ўрганиш илмий амалий аҳамият касб этади. Демократик жамият ривожланишида маънавий янгиланишлар стратегиясини ҳисобга олиш ва умуминсоний принципларга асосланиши мураккаб жараён бўлиб, жамият ривожланишининг объектив қонуниятларини эътироф этиш ва амал қилиши билан узвий боғлиқ”¹.- деб ёзади.

“Миллий ғоя”нинг антропология /этнология/, этнография, ижтимоий психология, тилшунослик соҳаларида кўриб чиқиладиган этник маданий, социология, сиёсатшунослик ва бошқа фанлар ёрдамида очиладиган ижтимоий-сиёсий, халқаро ҳуқуқ соҳасида ривожланган географик-сиёсий жиҳатлари мавжуд. Шунингдек, Миллий ғоя муҳим функционал элементларга бой. Унинг моҳияти мамлакатни маънавий заифлаштиришга уринишлардан асраш, Ўзбекистонни унитар, ҳукукий ва демократик давлат сифатида мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қаратилган. Зотан, “Ҳаммамизга аёнки, бугунги мураккаб глобаллашув даврида жамиятимизда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни кучайтириш, ёшларимизни турли зарарли ғоя ва таҳдидлардан асраш, уларни ўз мустақил фикрига эга, иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялаш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда”².

Бугунги кунда “Миллий ғоя” миллий ҳаётнинг кўп асрлик анъанаси, динлараро тотувлик, мамлакатда яшовчи барча миллат ва элатларнинг

¹ Турдиев Б.С. Ўзбекистонда демократик жамият ривожланишида маънавий янгиланишлар стратегияси. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Бухоро – 2021. –Б.21.

² Мирзиёев Ш.М. Ўқитувчи ва мураббийлар – янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суянчимиздир // Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. Халқ сўзи. 2020 йил 1 октябрь, № 207 (7709). - Б.3.

биро дарлиги, ўзаро таъсир ва таъсир тарихи, уларнинг тақдири муштараклиги ва халқлар учун биргаликдаги курашнинг тарихий тажрибасидир. “Миллий ғоя” мафкура сифатида мустақил Ўзбекистон фалсафий ва социологик таълимотининг ижтимоий-маданий ва этно-географик-сиёсий жиҳатларини ўзида мужассам этган. Бу ўзаро ёрдам, ҳамкорлик ва тенглик тамойилидир.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

“Миллий ғоя”нинг кучи шундаки, у халқнинг миллий-маданий ўзига хослигини ҳам ҳимоя қилишга, ҳам асрашга қодир бўлган давлат билан халқнинг индивидуал ижтимоий-маданий тенденцияларини узвий уйғунлаштира олади. Ж.Я.Яхшиликков ва Н.Э.Муҳаммадиевлар таъкидлашларича: «Якка тартибда ғоявий-мафкуравий таълим-тарбия ишларини олиб бориш деб жамоат ташкилотлари, давлат ва нодавлат муассасаларидаги раҳбар, бошлиқ ва мансабдор шахсларнинг ўзига бўйсунувчи ҳар бир ёшни ҳар томонлама ўрганиш, шахсий имкониятларини инобатга олиш асосида унинг онгида озод ва обод Ватанга меҳр-муҳаббат, қонунга ҳурмат туйғусини шакллантириш, инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, йўл қўйилган хато ва камчиликларини тезда тузатиб, тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, ҳар қандай қийинчиликларга бардош бериб, тўсиқлардан кўркмасдан ўз хизмат вазифасини ҳалол, бекаму кўст бажаришларини таъминлаш учун мунтазам равишда олиб борадиган фаолиятига айтилади»³.

Шубҳасиз, дахлдорлик туйғуси ҳаётнинг ўзига мазмун ва аҳамият бағишлайди, ўзаро масъулият ва ўзаро муносабат туйғуларини мустаҳкамлайди ва шу билан ёлғизлик ва бегоналашиш туйғуларини камайтиради. Бу мафкура Ўзбекистонда ягона бирлик, ягона жамиятни ташкил этади. Бу борада қатор ғарб тадқиқотчиларининг далиллари асоссиз эмас. Улар инсон "қатъиятлилик ва деярли қабилавий мансублик кучли туйғуларини уйғотадиган тарихий анъаналар мавжудлигида ўзини ҳимояланган ҳис қилиши мумкин" деб ҳисоблашади. Қолаверса, жамият мураккаблашиб, замонавийлашган, космополит, юзсиз бўлиб, шунга мос равишда ўз илдизларини йўқотгани сари маълум шароитларда бу эҳтиёж камайибгина қолмай, балки кўпайиб боради. Бундай шароитда давлат-инсон-жамиятининг ўзини-ўзи ташкил этишнинг ана шу шакли бўлиб, у ўз навбатида ҳамма бўлмаса ҳам кўп ижтимоий ҳодисаларнинг шаклланиши ва институционаллашувининг омилига айланади.

³ Яхшиликков Ж.Я., Муҳаммадиев Н.Э. Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Дарслик. – Тошкент: Чўлпон НМИУ, 2018. – Б.597-598. (684 б.)

“Миллий ғоя”ни англаш Ўзбекистон халқининг тарихий, ахлоқий ва маданий анъаналари асосидаги бирлик ғоясига асосланади ва у нафақат ҳозир, балки узоқ келажакда ҳам кўплаб авлодлар учун хизмат қилади.

Бугун биз Ўзбекистонда миллий мафкура шаклланишига гувоҳ бўлмоқдамиз. Миллат салоҳияти ва мамлакатни тараққиёт ва фаровонлик сари етаклашга қодир сиёсий элитанинг мавжудлиги шуни кўрсатадики, “Миллий ғоя” неоконсерватизмнинг миллий шакли сифатида миллий мафкуранинг асоси ҳисобланади ва Ўзбекистон давлатининг бутун тарихи давомида асос бўлиб қолади. Миллий ғоя ўз ривожига кўра, ҳуқуқий демократик тамойилларга тўлиқ асосланган ҳолда намоён бўлмоқда. Президент Ш. Мирзиёев таъбири билан айтганда, “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган тамойил асосида, халқимиз ҳаётини тубдан яхшилаш бўйича олиб бораётган кенг кўламли ижтимоий ислохотларни давом эттирамиз. Бунинг учун биринчи навбатда аҳоли фаровонлигини ошириш ва унинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш – биз учун бош вазифалардан бири бўлиб қолади”⁴.

Давлатнинг ягона мафкурасида фуқаронинг табиий манфаатлари ҳисобга олинмаса, жамият ва давлат ўртасида тафовут юзага келади. Тоталитар давлатлар демократик тараққиёт йўлига ўтгандан кейин ҳам маълум вақт давомида маънавият ва ахлоқ каби анъанавий ижтимоий қадриятлар одамлар томонидан турлича қабул қилиниб келинмоқда. Ўзбекистон мустақиллигининг биринчи йиллари тажрибаси буни исботлайди. Узоқ вақтдан бери ҳукмронлик қилган коммунистик мафкура парчаланганидан сўнг янги давлатнинг асослари халқ томонидан аниқ қабул қилинмади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислам Каримов Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг сиёсий ва иқтисодий асосларини яратиш билан бир қаторда миллий ғоя концепциясини илгари сурди. Ўша даврда Ўзбекистон адабиёти, мусиқаси, киноси, тасвирий санъати ва бошқа соҳаларда халқ руҳи, тарихи, миллий - маънавий қадриятларини тарғиб қилувчи ва улуғловчи кўплаб асарлар яратилди. Миллий ғоя жамиятни бирлаштирувчи ва унинг ривожланишини кафолатлайдиган қадриятлар тизими ўлароқ инсонлар онги, тафаккури ва қалбида бўлиши муҳим энг омил ҳисобланади.

Миллий ғоя атамаси ижтимоий фанларда нисбатан янги тушунчадир. Ваҳоланки, кейинги йилларда олимлар ва тадқиқотчилар, жамоат арбоблари ва ёзувчилар бу мавзуда бир қанча мақолалар, монографиялар, ўқув қўлланмалар

⁴ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. –Тошкент: Тасвир, 2020. – Б. 41.

ёзиб, миллий ғоянинг асослари, моҳияти ва концептуал жиҳатлари ҳақида фикрлар билдиришди. Миллий ғоя мамлакатда яшовчи барча этник гуруҳлар ва миллатларни миллий манфаатлар ва қадриятлар асосида бирлаштирувчи кучдир. Миллий ғоя Ўзбекистон мустақиллигини ҳимоя қилиш ва демократик тараққиётни таъминлаш билан бирга миллатчилик ва шовинизмга қарши шаклланган мафкура ҳамдир.

Миллий ғоя тушунчасини таҳлил қилиш, моҳиятини англаш, таркибий элементларини тавсифлаш услубий жиҳатдан қийин. Бу табиий. Чунки ижтимоий фанлардаги аксарият категория ва тушунчаларнинг аниқ доирасини топиш анча мураккаб ҳисобланади. Неотомизм асосчиси, француз файласуфи Маритен таъкидлаганидек, «Замонавий тарихнинг фожиаси асосий тушунчаларни тизимли умумлаштиришда ётади».

Ислом назариётчилари ҳам ислом динининг асосий тушунчалари турлича талқин қилинишини, лекин умумий фалсафа сифатида тақдим этилишини тан оладилар. Ижтимоий фанларнинг асосий вазифаси ижтимоий воқелик ҳақида тизимли билимларни яратишдир. Австриялик социолог Шуес ўз назариясига кўра, «ижтимоий фанлардаги тушунчаларни ифодалашда ягона ёндашув йўқ, бу тадқиқотларда энг муҳими, илмий мантиқдан гапирганда холисликка ўтишдир». Шу сабабли миллий ғоя моҳиятини тушунтиришда ягона ёндашув бўлмаса- да, унинг таркибий элементларини илмий мантиққа асосланган ҳолда аниқлашга ҳаракат қилиш мумкин. Миллий ғоя атамасига сиёсий, социологик ва ҳатто этимологик нуқтаи назардан турлича ёндашувлар мавжуд бўлса ҳам, унинг асосий фалсафаси ўзгаришсиз қолмоқда. Миллий ғоя ўзида «озодлик», «эркинлик», «фуқаролик», «ватанпарварлик», «содиқлик», шунингдек, фуқаронинг жамият ва давлат олдидаги масъулиятини ўзида мужассам этади. Шундай қилиб, миллий ғоя миллий давлат мафкураси сифатида Конституцияга асосланган, одамларда ватанпарварлик, садоқат ва фуқаролик масъулиятини шакллантирадиган, жамиятни ҳуқуқий демократик давлат сифатида ривожланишига ва халқ ҳимоясига хизмат қиладиган қадриятлар тизимидир.

ХУЛОСА

Миллий ғоя замирида миллатчилик эмас, балки фуқаролик қадрияти ётади. Ушбу ғоянинг мақсади кўп миллатли Ўзбекистон халқининг бирлашиши ва демократик ривожланиши учун асос яратадиган қадриятлар тизимини шакллантиришдир.

Миллий ғоя Ўзбекистон жамиятида миллий бирлик ва умуммиллий муносабатларни сақлаш, миллат ва унинг давлати позициясини тушунтириш, тасдиқлаш ва ривожлантиришни мақсад қилган. Демак, миллий ғоя миллий - маънавий борлиқнинг дастлабки белгиларини, халқнинг ўзига хослигини акс эттирувчи, миллий тафаккурни бирлаштирувчи кадриятлар тизими ҳамдир. Ушбу кадриятларни бирлаштирган тил, ҳудуд, фуқаролик, урф - одатлар, анъаналар ва мафкуравий бирлик миллий ғоя асосини ташкил этади.

REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. –Тошкент: Тасвир, 2020. – Б. 48.
2. Турдиев Б.С. Ўзбекистонда демократик жамият ривожланишида маънавий янгилашнилар стратегияси. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Бухоро – 2021. –Б.21.
3. Мирзиёев Ш.М. Ўқитувчи ва мураббийлар – янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суянчимиздир // Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. Халқ сўзи. 2020 йил 1 октябрь, № 207 (7709). - Б.3.
4. Яхшиликков Ж.Я., Муҳаммадиев Н.Э. Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Дарслик. – Тошкент: Чўлпон НМИУ, 2018. – Б.597-598. (684 б.)
5. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. –Тошкент: Тасвир, 2020. – Б. 41.